

Гуноҳкор бўлмаймизми?

08:16 / 09.01.2019 2708

Ассалому алайкум! Бу ҳолат жуда кўп масжидларда учраши ҳозирги кунда янгилик эмас яъни иккинчи жамоат намози. Хаммамиз жуда яхши билган "Минор" масжидида баъзида иккинчи жамоатга шунчалик кўп намозхонлар йиғилади. Биринчи жамоат намозни адо этиб бўлмасдан иккинчи жамоат ҳосил қилиш ҳоллари ҳам учраб туради баъзида. Биринчи жамоат намозни якунлаб бўлиб масжиддан чиқаётганда хохлаймизми йўқми уларнинг олдини кесиб ўтишга тўғри келиб қолади. Уларнинг олдидан ўтишда қанчалик масофа бўлиши керак биз гуноҳкор бўлиб қолмаслигимиз учун? Жамоатга қанчалик тушунтирилмасин иккинчи жамоат тузиш халигача учраб турипти. Жавобингиз учун раҳмат.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Бундай вақтда имомининг олдига сутра қўйиб қўйсангиз муқтадийларни олдидан бемалол ўтишингиз мумкин. Валлоҳу аълам!